

# ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бекмирзаев М.А.

PhD, доцент, Наманган муҳандислик-технология институти

**Аннотация:** Мазкур мақолада фермер хўжаликларининг барқарор ривожланишини таъминлашда инновациялардан фойдаланиши ҳамда инновацион ривожлантиришининг йўл хариталарини ишлаб чиқиши баён қилинганд.

**Калим сўзлар:** фермер хўжалиги, барқарор ривожланиши, инновация, инновацион ривожланиши, инновацион фаоллик, стратегик харита.

**Abstrakt:** This article describes the use of innovations in ensuring the sustainable development of farms and the development of roadmaps for innovative development.

**Keywords:** farming, sustainable development, innovation, innovative development, innovative activity, strategic map.

Мамлакатимизда сўнгти йилларда аграр тармоқда халқаро стандартларга жавоб берувчи замонавий техника ва технологиялар билан таъминланганлик даражаси бирмунча ошди. Бироқ, шу билан биргалиқда техникаларнинг ишлаш муддатлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 10 йилдан зиёд хизмат қилган техникалар 65,4 фоизни ташкил этаётган бўлса, 16,9 фоиз қишлоқ хўжалик техникалари бутунлай эскирган. Шу сабабли фермер ва дехқон хўжаликларини сифатли, замонавий, арzon, ишонччили, агротехник ва эксплуатацион кўрсаткичлари юқори бўлган техникалар билан таъминлаш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мазкур ишлар давлат томонидан бевосита кўйлаб-кувватланмоқда. Шу боис, қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиши учун ўз вақтида техник хизмат кўрсатиш, турли носозликларни бартараф қилиш, таъмирлаш, диагностикалаш ва тўғри сақлаш каби техник жараёнлар қоидаларига тўлиқ амал қилиш талаб этилади.

Маълумки, Республикаимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришининг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, унда аграр соҳани ислоҳ қилиш, бозор механизмлари ва замонавий агротехнологияларни жорий қилиш юзасидан кўплаб вазифалар белгилангани бу вазифалар давлат сиёсати даражасига кўтарилинидан далолат беради.

Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар сонининг ўсиши фермер томонидан танлаш имконини бериб, уларнинг хукмронлик мавқеи, ишлаб чиқарувчilar устидан тазиқиц үтказиш ҳолатларига барҳам беради. Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун сервис ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муносабати мавжуд бўлиши лозим. Факат шундай шароитдагина хўжаликларга кўрсатилаётган турли хизматларнинг иш сифатини фермернинг ўзи назорат қилиб, унга баҳо бера олади. Техниковий ва бошқа сервис хизматларини кўрсатувчи ташкилотларнинг етарли бўлмаслиги уларнинг хукмрон мавқега эга бўлишига олиб келади. Натижада улар хизмат кўрсатиш сифати, нархи ва бошқа шартлари бўйича фермерга тазиқиц үтказиш имконига эга бўладилар. Бундай ҳолатни ҳар қандай даражадаги назорат ёки маъмурий чоралар билан бартараф этиб бўлмайди.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳар 1000 та фермер хўжалигига тўғри келувчи ахборот таъминоти ва консалтинг хизматлари муассасалари сони атиги 1,4 тани ташкил этган. Бу борада энг юқори кўрсаткич муқобил МТПлар сони бўлиб, у 7,26 тани ташкил этган. Аммо, бу кўрсаткич, яъни ҳар 1000 та фермер хўжалигига атиги 7-8 та МТП томонидан техник хизматлар кўрсатилиши – ҳали мамлакатимизда фермер хўжаликларининг тўлақонли ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиш борасида муаммолар мавжудлигидан дарак беради. Бу муаммоларни бартараф этиш учун бизнинг фикримизча, ҳозирги кун давр талибидан келиб чиқсан ҳолда, техника воситаларидан фойдаланиш бўйича фермер хўжаликлири кооперативларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фермер хўжаликларини барқарор иқтисодий ривожлантириш учун, уларга юқори сифатли сервис хизматларни амалга оширишда, техникадан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини биргалиқда қайта ишлаш ва ҳоказолар бўйича фермерлар кооперативларини ташкил этиш ҳамда фаолият юритиш тартибини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш зарур. Шунингдек, ҳозирда фермер хўжаликларининг техника воситалари таъминотини лизинг асосида йўлга қўйиш муаммони ҳал этишининг истиқболли йўлларидан бири сифатида кўрсатиш мумкин бўлиб, факатгина улардан унумли фойдаланиш талаб этилади.

Республикамизда фаолият юритаётган фермер хўжаликларини моддий ва техник жиҳатдан кўллаб-кувватлаш, уларга зарур инфратузилма хизматларини етарли даражада ташкил этиш борасида ҳукумат даражасида чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Бунда эса фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг фонд тизимиidan воз кечиб, бозор механизмларига ўтиши қўзда тутилган. Бунинг учун республиканинг барча туман ва қишлоқларида эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа ресурслар билан эркин савдо қилувчи савдо шахобчаларини ташкил этиш керак. Бу эса қуидаги шарт-шароитлар таъминланишини тақозо этади:

1) эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа ресурслар билан савдо килиш эркинлиги;

2) мазкур ресурсларни миллий ва хорижий етказиб берувчилардан эркин сотиб олиш имконияти;

3) савдо шахобчаларининг монопол тузилмага айланишига имкон яратувчи ҳукукий, молиявий ва технологик омилларининг олдини олиш.

Бундай савдо шахобчаларини ташкил этишдаги асосий муаммо – мазкур фаолиятларнинг турли давлат идора ва тузилмалари томонидан монополлаштирилганидир. Чунки, мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, айниқса, фермер хўжаликларини моддий-техника ва бошқа ресурслар билан таъминлашнинг марказлаштирилган тизими сақланиб қолиб, бу функцияларни маҳсус тузилмалар томонидан амалга оширилмоқда. Натижада, бу соҳага эркин тадбиркорлик субъектларининг кириб келиши мушкуллашиб, рақобат муносабатларининг пайдо бўлишига тўйсқинлик қилмоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари ва турли хизматлар билан таъминловчи инфратузилма муассасалари фаолиятини самарали ташкил этиш учун, бизнингча қуидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- саноат маҳсулотлари ҳамда савдо ва сервис корхоналари хизматларининг нархи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари асосий турларини ишлаб чиқариш баҳосидан келиб чиқсан ҳолда уларни тартибга солиниши давлат томонидан таъминланиши керак;

- қишлоқ хўжалиги техникиси ва бутловчи қисмлар тайёрловчи заводлар ва уларнинг номидан иштирок этувчи ташкилотларни техникани сотиш билан бирга нафақат кафолатланган даврда, балки фойдаланишининг бутун даври мобайнида машиналарнинг ишга яроқли бўлишини таъминлаши зарур. Машиналар билан бирга меъёрий-техник хужжатлар, эҳтиёт қисмлар ҳам етказиб берилиши керак;


- ҳар бир сервис корхонасида техник сервис хизматлари рўйхатини кенгайтириш, айрим холатларда керак бўлса ишлаб чиқариш йўналиши ва ихтисослашувини ўзгартириш лозим (минтақавий машинасозлик ишларида иштирок этиш, АСМ таъмирлаш корхоналарининг негизида техник марказларни барпо этиш назарда тутилмоқда) ва ниҳоят, барча сервис хизматларининг фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари меҳнатининг энг юкори самарадорлигини ва энг кўп фойдасини таъминлашга йўналтирилиши зарур;

- фермер хўжаликларининг минерал ўғитларга, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларига, зооветеренария хизмати, шунингдек кимёвий препаратларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ўрганиш Фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари кенгаши ҳамда “Ўзгрокимёҳимоя” АЖ нинг тегишли бўлимлари ўртасида ўзаро ахборот алмашув алоқаларини йўлга кўйиш орқали ҳал этилиши мақсадга мувофик;

- фермер хўжаликларига кўрсатиладиган агрокимё хизмати, айникса, ўсимликларни ҳимоя килиш соҳасида услубий қўлланма ва йўриқномалар билан таъминлашни кучайтириш лозим.

Ўзгарувчан глобал ва ички муҳит шароитида ракобатдош фермер хўжаликларини ривожланишишнинг ҳал қилувчи фактори бўлиб, унинг инновацион ривожланишини самарали бошқаришнинг мақсадли, сонли ва сифатли кўрсаткичлари хисобланади. Шу мақсадда инновацион ривожланишишнинг стратегик хариталарини қўллаш таклиф килинади.

Инновацион стратегик харита самарадорлигини янада ошириш учун, фермер хўжаликлари инновацион фаолигини ошириш механизмини таклиф этамиз (1-расм).



**1-расм. Фермер хўжаликларида инновацион фаолликни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизми**

Фермер хўжаликларини барқарор ривожланиши фермер хўжаликларини ташкилий-техникавий имкониятларига, инновацион дастурларни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва техник шарт-шароитларига мос келганда таъминланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ўз навбатида фермер хўжаликларининг моддий-техника таъминоти ва моддий ресурслардан фойдаланиш даражасини

кучайтириш орқали пировардида мазкур хўжаликлар фаолияти самарадорлигини оширишга таъсир кўрсатади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Adashalievich, B. M. (2019). Socioeconomic importance of sustainable farming development. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 9(7), 76-82.
2. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). Развитие сельского хозяйства в Республике Узбекистан и результаты его реформирования. In СОВРЕМЕННОЕ ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ПРИРОДНОЙ СРЕДЫ И НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ (pp. 3615-3618).
3. Mahkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). PRODUCTION OF FOOD AND VEGETABLE PRODUCTS AND DEVELOPMENT OF RECYCLING. Central Asian Problems of Modern Science and Education, 3(4), 123-128.
4. Maxkamov, I., Bekmirzayev, M., & Madaminjonov, O. (2019). Prospects for the development of growing and processing of fruit and vegetable products. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(1), 92-97.
5. Бекмирзаев, М. А., & Иномов, Ж. Г. (2016). ОБЕСПЕЧЕНИЕ РЕСУРСАМИ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ. In ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ МОЛОДЫХ УЧЁНЫХ АГРАРИЕВ (pp. 1115-1118).
6. М. Бекмирзаев. (2022). Тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик даражасини камайтириш йўналишлари. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2105>
7. Бекмирзаев , М. А. (2022). ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/2207>
8. Бекмирзаев М. (2022). НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА АГРОБИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНинг ПРОГНОЗИ. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1142>
9. Adashalievich, B. M. (2022). Specific Features of Innovative Development of Private Entrepreneurship in the Context of Digitalization of the Economy. European Scholar Journal, 3(2), 88-93.
10. Adashaliyevich, B. M., & O'g'li, I. M. (2022). Promoting sustainable development of small business. Asian Journal of Research in Business Economics and Management, 12(4), 5-9.
11. Бекмирзаев, М. А., & Холиков, Ж. Т. У. (2022). ВАЖНОСТЬ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН. In Colloquium-journal (No. 4 (127), pp. 18-21). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.
12. М.А.Бекмирзаев. Перспективы устойчивого экономического развития субъектов агробизнеса. Научно образовательный электронный журнал “Образование и наука в XXI веке”. ООО “Моя профессиональная карьера”. 2021 октябрь. Выпуск 19 (том 2). стр. 746-754.
13. Bekmirzayev Mirzohid Adashaliyevich. Development of Agricultural Infrastructure and Material Logistics Support of Farms // Journal of Economics, Finance and Management Studies. September 2021. Article DOI: 10.47191/jefms/v4-i9-21, Impact Factor: 6.228. pg 1762-1766.
14. Bekmirzayev M.A. Factors of Sustainable Economic Development of Agricultural Businesses // International Journal of Advanced Science and Technology. pp. 46-52. [www.sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19947](http://www.sersc.org/journals/index.php/IJAST/article/view/19947)
15. Bekmirzayev M.A. (2019). Ensuring stability of agriculture based on the development of the farm economy of the republic of Uzbekistan // Indo – Asian Journal of Multidisciplinary Research (IAJMR). pg 1788-1793. DOI: 10.22192/iajmr.2019.5.4.5 (ISI Impact Factor – 3.652; Global Impact Factor – 0.454).

**July 9<sup>th</sup>, 2022**

**conferencezone.org**

16. BEKMIRZAYEV M. Distinctive features of sustainable farming development // ORGINIZED BY GLOBAL RESEARCh NETWORK" LLC AND IDEAS LAB // International conference on sustainable development and economics. pg 154-158. june 24-25, 2019.
17. Бекмирзаев М., Иномов Ж., Таджиев А. Реформирование сельского хозяйства в Республике Узбекистан // «Дни науки – 2017» сборник научных трудов по результатам II международной научно-практической интернет-конференции «экономика и право: становление, развитие, трансформация», Российская Федерация, г. Макеевка, 2017, 28 апрель, с. 59-60.
18. Бекмирзаев М. Проблемы стабильного развития фермерских хозяйств в Узбекистане и пути их решения // Десятие Ознобишинские чтения: Сборник материалов Международной научно-практической конференции, Российская Федерация, Изна-Самара: ПГСПА, 4-5 июля 2012 года, 85-88 стр.